# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,
Қадрдон дўстим,

Мустақиллик куни муносабати билан Сизни, қардош Ўзбекистон халқини чин қалбдан муборакбод этаман. Сизларга фаровонлик, равнақ ва муваффақият тилайман.

Давлатларимизнинг халқларини фақат тарихий анъана ва тақдирларгина эмас, балки туркманлар ва ўзбекларнинг доимий миллий манфаатларига мос келадиган тенг ҳуқуқли икки томонлама ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашдаги истиқболли вазифаларнинг муштараклиги ҳам бирлаштириб туради.

Туркманистон Ўзбекистон билан ўзаро ишончли ва дўстона муносабатларни юксак баҳолайди. Бу муносабатлар халқларимиз ўртасидаги алоқалар ривожи учун зарур бўлган муҳитни яратиб бермоқда.

Яна бир карра Сизга ҳамда Ўзбекистон халқига билдирган табригим ва эзгу тилакларимни қабул этинг.

Эҳтиром билан,

**Сапармурот НИЁЗОВ,**
**Туркманистон Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кунининг байрам қилиниши муносабати билан Сизга ва бутун қардош ўзбек халқига тожик халқи ва шахсан ўз номимдан самимий қутловлар йўллаш менга ғоят катта мамнуният бахш этади.

Биз Тожикистонда халқларимиз ўртасидаги осойишта ва бунёдкорона тинч-тотув яшашдан иборат кўп асрлик анъаналар руҳига мос келадиган мамлакатларимиз ўртасида дўстлик ва ўзаро манфаатли иқтисодий, сиёсий ва маданий ҳамкорлик муносабатлари авж олиб бораётганига ғоят катта аҳамият бермоқдамиз ҳамда бу муносабатлар халқларимиз манфаатлари йўлида бундан буён ҳам жўшқин ва олға томон янада ривожланиб бораверишига ишончимиз комил.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, мана шу ёқимли имкониятдан фойдаланиб, Сизга мустаҳкам соғлиқ ва фаолиятингизда янгидан-янги муваффақиятлар, Ўзбекистоннинг биродар халқига эса омонлик ва равнақ тилайман.

Самимий эҳтиром билан,

**Имомали РАҲМОНОВ,**
**Тожикистон Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,

Ўзбекистон Республикасининг миллий байрами - Мустақиллик куни муносабати билан ғоят қизғин ва самимий қутловларимни изҳор этишга ҳамда Сизга ва бутун ўзбек халқига тинчлик, омонлик ва равнақ тилашга ижозат бергайсиз.

Ишончим комилки, мамлакатларимиз ўртасидаги мавжуд яхши ва дўстона муносабатлар турли соҳалардаги ўзаро фойдали ҳамкорлик бундан буён ҳам Молдова ва Ўзбекистон халқларининг манфаатлари ҳамда фаровонлиги йўлида мустаҳкамланиб, ривожланаверади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, фурсатдан фойдаланиб, Сизга улкан бахт-саодат, мустаҳкам соғлиқ ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентидек юксак ва масъулиятли лавозимингиздаги самарали ва олижаноб фаолиятингизда ғоят катта муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

Камоли эҳтиром билан,

**Петру ЛУЧИНСКИ,**
**Молдова Республикаси Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги куни муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига, мамлакатингиз ҳукумати ва халқига қизғин қутловлар йўллайман.

Фурсатдан фойдаланиб, мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатлар бундан буён ҳам муносиб равишда ривожланиб боришига ишонч билдиришга ҳамда Сиз, Жаноби Олийларига ва мамлакатингиз халқига ўз Ватанини равнақ топтириш йўлидаги ишларида каттадан-катта муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз.

**Ким Ен НАМ,**
**Корея Халқ Демократик Республикаси Олий Халқ Мажлиси Президиумининг Президенти.**

* * *

### Ўзбекистон Республикаси Президенти, Олий мактаб Халқаро фанлар Академиясининг Академиги Ислом Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Миллий байрам — Мустақиллик кунининг 8 йиллиги муносабати билан Сизни, Сиз орқали Ўзбекистон халқини муборакбод этишга ижозат бергайсиз.

Сизга, Сиз ҳормай-толмай юритаётган давлат ишларидаги фаолиятингизга, жамиятни маънавий янгилашнинг қудратли омили бўлиб хизмат қилаётган илмий асарларингиз, дастурий маърузаларингизга бўлган чуқур ҳурматимни изҳор этмоқчиман.

Биз Сизни Ўзбекистоннинг раҳбари деб, унинг халқини ўз Ватани равнақи йўлида фидокорона меҳнатга сафарбар эта билган, мамлакатда барқарорлик ва тартибни таъминлаб, унинг иқтисодиётини юксалтириш йўлларини топа олган раҳбар, деб биламиз.

Сиз миллатнинг йўлбошчиси сифатида ғоят катта бунёдкорлик ғайрат-шижоатини ўзингизда мужассамлаштиргансиз, саховат билан таратаётган ана шу ғайрат-шижоатингиз Сизнинг ишларингизда баракали тарзда намоён бўлмоқда ва ижтимоий тотувликка эришиш имконини бермоқда.

Сиз ишлаб чиққан Ўзбекистонни тараққий эттириш стратегияси ҳеч шубҳасиз миллий анъаналарни қайта тиклаш ва жамиятни янгилаш борасида бошқа мамлакатлар учун муносиб ибрат бўлиб хизмат қилади. Бу стратегия халқнинг руҳиятини эътиборга олади ҳамда миллий руҳнинг кучини, маданият, таълим, илм-фанни ўз ичига олувчи муҳим қадриятларга асосланади.

Сизнинг раҳбарлигингизда ишлаб чиқилган ва амалга оширилаётган Ўзбекистон Республикасининг Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури мамлакатда таълимни устувор ривожлантириш, миллатни оммавий равишда маърифатли этиш, барча поғоналарда кадрлар тайёрлаш зарурлигини давлат Раҳбари англаётганлигининг ажойиб намунаси бўлиб хизмат қилади. Бу дастур энг юксак талабларга мос келади ва Ўзбекистон халқининг маънавиятини юксалтиришдагина эмас, балки мамлакат иқтисодиётини кўтаришда ҳам самарали тадбир ҳисобланади.

Олий мактаб Халқаро фанлар Академияси ўз сафида йирик сиёсий арбоб, машҳур олим ва амалиётчи - Ўзбекистон Республикаси Президенти борлиги билан фахрланади.

Президент Жаноблари, Сизга бўлган чуқур эҳтиромимни қабул қилгайсиз. Сиз, Жаноби Олийларига мустаҳкам соғлиқ, мамлакатингизга равнақ ва халқингизга бахт-саодат тилайман.

Камоли эҳтиром билан,

**В.Е.ШУКШУНОВ,**
**Олий мактаб Халқаро фанлар Академиясининг президенти, техника фанлари доктори, профессор, Россия Федерациясида хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби.**

# МУСИҚА БАЙРАМИ ЯКУНЛАНДИ

30 август куни кечқурун Самарқанднинг Регистон майдони "Шарқ тароналари" иккинчи халқаро мусиқа фестивали қатнашчилари, меҳмонлар, мусиқа шайдолари, санъат мухлислари билан яна гавжум бўлди.

Республика Бош вазири ўринбосари, "Шарқ тароналари" иккинчи халқаро мусиқа фестивалини ўтказиш ташкилий қўмитаси раиси Ҳамидулла Каромасов, халқаро танлов ҳайъати раиси, Токио университети профессори Харума Кашиба хоним томошабинларнинг олқишлари остида ғолибларга махсус совринларни топширди.

Ўзбекистонлик Насиба Сатторова энг олий мукофот — Гран-прига сазовор бўлди. Юн Конг Сон (Корея) ва Муҳаммад Омон (Саудия Арабистони) биринчи даражали мукофот билан тақдирланди. Иккинчи даражали мукофот Жаспиндер Нарула Ханум (Ҳиндистон) ва "Лашари" гуруҳи (Грузия)га насиб этди. Покистонлик Устад Али Ҳамидхон ва Устад Фатеҳ Алихон, шунингдек тожикистонлик Олим Бобоев учинчи даражали мукофотга сазовор бўлди.

"Шарқ тароналари" халқаро фестивал танлови қатнашчилари бир қатор махсус мукофотлар билан ҳам тақдирланди. Жумладан, ЮНЕСКОнинг махсус мукофоти ҳамюртларимиз Ўлмас Саиджонов ва Абдуҳошим Исмоиловга, жюрининг махсус мукофоти туркманистонлик Язмурат Чопонов ва украиналик Елена Куликка, ЮНЕСКО ва "Сони" фирмаси мукофоти фестиваль режиссёри Баҳодир Йўлдошевга берилди.

Анжуман иштирокчиларига мамлакатимиз вазирликлари, жамоат ташкилотлари, корхона ва муассасаларининг, Самарқанд вилояти ва шаҳри ҳокимликларининг эсдалик совғалари топширилди.

Фестиваль қатнашчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти номига Миннатдорлик мактуби йўлладилар.

**Ҳ. ШУКУРОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЯНГИ КЎПРИК ФОЙДАЛАНИШГА ТОПШИРИЛДИ

**Байрам арафасида Тошкентнинг гавжум Қўйлиқ бозори яқинида Тошкент айланма йўлида эркин ҳаракат қилишни ҳамда пойтахтнинг Миробод, Ҳамза ва Бектемир туманлари ўртасида автомобиль қатнови қулай бўлишини таъминлайдиган эстакадалик кўприк очилишига бағишланган тантана бўлди.**

**Янги иншоот очилишида Бош вазир ўринбосари Р.Юнусов, Тошкент шаҳри ҳокими К.Тўлаганов иштирок этиб, улкан иншоот лойиҳачилари ва қурувчиларини мустақиллик куни ва бу муҳим кўприкни шу шонли сана арафасида фойдаланишга топшираётганликлари билан табрикладилар.**

**Иншоот "Ўзавтойўл" концернининг "Ўзйўллойиҳа" институти лойиҳаси асосида қурилди. Бу иншоотни барпо этишга 28 ой вақт кетиши кўзда тутилган эди. Лекин Тошкент, Самарқанд, Қўқон ва Ширин кўприксозларининг фидокорона меҳнати туфайли асосий ишлар тўрт ой ичида тугалланди. Пардозлаш ишлари ҳам қисқа муддатда бажарилди, бунинг устига, шаҳарни Бектемир туманидаги "Водник" уй-жой даҳаси билан туташтирадиган троллейбус линияси тортилди.**

**Янги кўприкнинг узунлиги 492 метрдан иборат бўлиб, шундан 335 метри эстакададан иборат. Эни 18 метрлик автомобиль йўлининг ҳар икки томонида пиёдалар учун йўлаклар бор. Кўприк остида пиёдалар ўтадиган тоннел мавжуд. Иншоотнинг ишга туширилиши тошкентликлар ва мустақил Ўзбекистонимиз пойтахти меҳмонлари учун муносиб байрам совғаси бўлди.**

**(ЎзА).**

# ФАХРИЙЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Словакиянинг Ўзбекистондаги элчихонасида Словакия Миллий қўзғолонига 55 йил тўлиши муносабати билан, унда иштирок этган ўзбекистонлик жангчилар билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда Словакиянинг мамлакатимиздаги муваққат ишлар вакили Йозеф Мачишак 1944 йилда Словакияни фашист босқинчиларидан ҳимоя қилишда жасорат кўрсатган бир гуруҳ ўзбекистонлик уруш фахрийларига эсдалик медаллари топширди.

Йозеф Мачишакнинг таъкидлашича, иккинчи жаҳон уруши пайтида Словакияни фашистлардан ҳимоя қилишда ўнлаб халқлар қаторида ўзбекистонликларнинг ҳам ўрни салмоқлидир. Словакия элчихонаси мана тўрт йилдирки, ўзбекистонлик халоскорлар билан йиллик анъанавий учрашувларни ўтказиб келади. Бу йил Словакия ҳукумати ўзбекистонлик фахрийлардан 15 нафарига словак тупроғини озод қилишда кўрсатган жасорати учун эсдалик нишонларини топширишга қарор қилди. Таъкидлаш керакки, бундай тадбирлар халқларимиз ўртасидаги дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

**(ЎзА).**

# "ШЕРАТОН-ТОШКЕНТ" МЕҲМОНЛАРНИ ЧОРЛАЙДИ

Мустақиллик шарофати туфайли пойтахтимизда кўплаб янги корхоналар ва спорт иншоотлари, замонавий турар жой ва меҳмонхоналар, банк ва бошқа муассасалар қурилмоқда. Улар шаҳримиз кўркига кўрк, чиройига чирой қўшмоқда. Куни кеча яна бир улкан иншоот — "Шератон-Тошкент" меҳмонхонаси фойдаланишга топширилди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг саккиз йиллиги арафасида очилган ушбу тўрт юлдузли мақомдаги жаҳон андозаларига мос бу шинам меҳмонхонада мижозлар учун барча қулайликлар яратилган. Меҳмонхонада битта тўрт хонали президент номери, еттита икки хонали люкс ва бошқа номерлар мавжуд. Айни вақтда иккита ресторан, иккита кафе-бар, шунингдек, очиқ ва ёпиқ сузиш ҳавзалари, ҳаммом ҳамда теннис кортидан иборат бўлган саломатлик мажмуи ҳамда бизнес марказ меҳмонлар хизматида бўлади.

Меҳмонхонанинг тантанали очилиш маросимида Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов сўзга чиқиб, янги меҳмонхона мамлакатимизда туризм ва хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш йўлида қўйилган яна бир қадам эканлигини таъкидлади.

**О. НОРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ТЕРРОРЧИЛАР МУНОСИБ ЖАВОБ ОЛАДИ

1999 йил 28 август куни Ўш шаҳрида Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар, мудофаа вазирлари ҳамда миллий хавфсизлик хизматлари раҳбарларининг учрашуви бўлди. Учрашув пайтида Қирғизистоннинг жанубида вужудга келган вазият ҳақида батафсил фикр алмашилди ҳамда террорчи гуруҳларни йўқотиш бўйича ҳамкорликдаги ҳаракатлар режаси муҳокама қилинди.

Учрашув якуни бўйича қўшма баёнот қабул қилинди. Унда бундай дейилади:

Томонлар, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги Абадий дўстлик тўғрисидаги шартнома қоидаларига, Марказий Осиё Иқтисодий Ҳамжамияти доирасида қабул қилинган қўшма сиёсий ва ҳуқуқий ҳужжатларга асосланган ҳолда, ўз мамлакатларининг террорчи гуруҳларнинг Қирғизистон жанубидаги жиноий ҳаракатларига муносабати якдил эканини таъкидладилар. Бу ҳаракатлар бошқа мамлакатлардаги халқаро ҳамжамият тан олмаган ташкилотлар томонидан қўллаб-қувватланиб турган террорчилик ҳаракати сифатидагина баҳоланиши мумкин.

Мавжуд ишончли маълумотларга кўра, бу жиноий гуруҳларда Марказий Осиё мамлакатларидангина эмас, бир қанча бошқа давлатлардан чиққан шахслар ҳам борлиги терроризм билан экстремизмнинг байналмилаллашаётганидан далолат беради. Бу ҳодисалар бирон-бир миллий хусусиятга эга бўлмай, минтақадаги барча давлатларга умумий хавф солади.

Томонлар халқаро террорчиларнинг нияти кишиларни гаровга олиш ҳамда тинч аҳолини ўлдиришдек шафқатсиз усулларни қўллаш йўли билан Марказий Осиёдаги вазиятни издан чиқариш эканига аминдирлар.

Маърифий, демократик ва дунёвий жамият қуриш ҳамда ривожлантириш йўлидан бораётган Марказий Осиё мамлакатлари шунга ҳам аминдирки, ислом экстремизми раҳнамолари ва жангарилари ўз ҳаракатларининг беҳудалигини кўра била туриб, тарих ғилдирагини орқага қайтармоқчи бўлмоқда.

БМТ, ЕХҲТ, Ислом Конференцияси Ташкилоти ва бошқа халқаро ташкилотларга аъзо бўлган Марказий Осиё мамлакатлари ўзларининг халқаро терроризм, уюшган жиноятчилик ва наркобизнесга қарши курашида халқаро ҳамжамиятнинг кенг ва изчил қўллаб-қувватлашини ҳис этиб турибди.

Қозоғистон Республикаси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси Қирғизистон Республикасининг террорчи гуруҳларни йўқ қилишга қаратилган саъй-ҳаракатларини қатъий қўллаб-қувватлайди ҳамда Қирғизистон Республикасига ҳар томонлама, жумладан, ҳарбий кўмак беришга тайёрдир.

Томонлар ўз давлатлари жамоатчилигини саъй-ҳаракатларни бирлаштирган ҳолда жиноятчиларнинг ғайриинсоний қилмишларига муносиб жавоб қайтаришга даъват этади ҳамда чегараларни ғайриқонуний тарзда кесиб ўтиш, тинч аҳолига нисбатан зўравонлик қилишдан иборат террористик ҳаракатларга халқаро ҳуқуқ меъёрларига мувофиқ тарзда энг кескин ва аёвсиз чора-тадбирлар билан жавоб берилишини маълум қилиб, халқаро ҳамжамият Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Ўзбекистоннинг халқаро террорчиларга нисбатан биргаликда олиб бораётган мувофиқлашган саъй-ҳаракатларини тўлатўкис қўллаб-қувватлашига ишонч билдиради.

**(ЎзА).**

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ:**

# АМУ БЎЙЛАРИДАН КЕЛАР ХУШ ДАРАК

**Окус, Жайхун, Амударё... Қай бир синоатларни бағрига яширмаган, неларнинг гувоҳи бўлмаган дейсиз бу азим дарё? Аммо унинг мавжларидан бир маъни — авлодларга тўзим, ер юзига омонлик, тупроққа обиҳаёт, абадий қўшиқдай мантиқ сезади киши. Қадим-қадимдан Аму соҳилларини макон тутган, ўзбекка қондошу жондош қорақалпоқ халқининг бутун ўтмиши ҳам ана шу дарё билан чамбарчас боғлиқ.**

**Юртимизнинг энг катта тўйи — Мустақиллик байрами баҳонасида сизга ҳавола этаётганимиз қуйидаги хабарлавҳаларни ҳам Жайхуннинг жўшқин тўлқинлари элтган дарак деб қабул этгайсиз.**



*Юртимнинг тўрт ёғи бахт нури тушиб,*
*Чулғансин нурафшон тоза мақсадга.*
*Қадим шаҳарлари Туронзаминнинг*
*Мозийнинг ёди-ла етсин ниятга.*

*Қадим шаҳарлари Туронзаминнинг*
*Туташиб кетсинлар кенг дунёларга*
*Азим шаҳарлари Туронзаминнинг*
*Чўмилсинлар сутдай нур, зиёларга*

**Гулистон МАТЁҚУБОВА.**

## ЖОНИНГНИ БАХШ ЭТ

Етмиш ёшни қоралаган халқ ёзувчисига Ватан ҳақида гапириш ҳам қийин, ҳам осон бўларкан. Чунки, баъзи бировларнинг фақат оғизда, тил учида «Ватан», «Ватаним учун жоним фидо» деб, икки гапнинг бирида «мустақиллик шарофати» деб, ҳиссиз, дардсиз, қуруқ ваъзхонлик қилишларини кўриб, ўз бошимдан кечирган ҳар хил даврлар кўз олдимга келади. Ва беихтиёр шоирнинг мана бу мисралари ёдга тушади:

***Ватан — хаста онанг, қонингни бахш эт,***
***Қувончинг, шуҳратинг, шонингни бахш эт,***
***Беш яшар ўғлинг у, жонингни бахш эт***
***Унинг вижир-вижир сўроғига сен!***

Ватан, Мустақиллик, Истиқлол ва ... Буюк Истиқбол! Биз бунга қандай эришдик? Азизларим, ким не деса десин, лекин сизлар шуни асло унутмангки, бу муқаддас туйғулар бизга осмондан ўзи тушгани йўқ, уни қайсидир бир ҳотамтой бойвачча «ол, қулим!» деб, марҳамат қилиб, садақа қилиб бергани йўқ. Биз уни курашиб, азобини тортиб, худо берган доно Йўлбошчимиз раҳбарлигида, буюк аждодларимиз руҳларининг қўллаб-қувватлаши билан енгиб олдик. Шунинг учун ҳам биз уни севамиз. Шунинг учун ҳам биз уни жон қадар қадрлаймиз. Токи, Ватанни севмоқ иймондан экан, севмаган кунларимизни ҳаётимиздан ўчириб ташлайлик. Ана шундагина келажаги буюк давлат қуришимизга шак-шубҳа қолмайди.

Фурсатдан фойдаланиб, барча ватандошларимизни энг улуғ, энг азиз айёмимиз —Мустақиллик байрами билан қизғин қутлайман!

**Тўлепберген ҚАИПБЕРГЕНОВ,**
**Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси.**

## ЯШИЛЛИККА БУРКАНАЁТГАН БЎЗАТАУ

Поёнига етаётган йигирманчи юз йилликнинг катта фожеаси Орол денгизининг қуриши бўлди, десак янглишмаймиз. Тўғри, денгиз олдин ҳам бир-икки марта қуриган, бу табиатнинг ёзилмаган қонуни, дегувчилар ҳам бор.

Халқимиз 7 сонини хуш кўради. Тасодифни қарангки, Истиқлолимизнинг еттинчи йилида биринчи бор денгизга сув тушди. Демак, астойдил ҳаракат қилинса, ҳар қандай ишга киришишдан олдин етти ўлчаб бир кесилса бундай жараёнларнинг олди олиниши, ҳеч бўлмаса оқибатларини енгиллаштириш мумкин экан.

Шунинг учун ҳам Қорақалпоғистонда табиий кислород ишлаб чиқаришда катта аҳамиятга эга бўлган яшил тўқайзорлар барпо қилиш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда. Тўқайзорларнинг иккинчи муҳим жиҳати, денгизнинг қуриб бўлган ҳудудларидан учаётган шўр қум зарраларини ушлаб қолади.

Биргина «Бўзтау» тўқай хўжалигининг ўзида шу кунгача 6224,5 гектарлик тўқайзор ташкил этилди. Мустақиллик байрамигача яна 15 гектарга оқ терак ва бошқа дарахт ниҳоллари ўтқазиш ишлари якунланади. Яратилаётган тўқайзорлар самараси ўлароқ эндиликда бу ерда маккажўхори, полиз ўстириш учун шароит яхшиланмоқда.

Кўтаринки кайфият, эртанги кунга ишонч билан меҳнат қилаётган бўзтауликлар яшил бойликларни янада кўпайтириш, борларини кўз қорачиғидай асрашни мақсад қилишган.

## МЎЪЖИЗАГА МЕНГЗАШ

Устюртда ҳеч бўлганмисиз? Агар 7-8 йил олдин борган бўлсангиз кўз олдингизга тақир чўл, жазирама саҳро келиши табиий. Мабодо энди йўлингиз тушса, бу ерга албатта келинг. Афсусланмайсиз. Нега дейсизми? Келсангиз, саволингизга ўзингиз жавоб топасиз.

Саҳронинг қоқ ўртасида бунёд этилаётган Қўнғирот сода заводи нафақат Қорақалпоғистон, балки мамлакатимизнинг энг йирик саноат иншоотларидан бирига айланиши шубҳасиз. Унинг биринчи навбатининг ўзи йилига 200 минг тонна кальцийли сода ишлаб чиқариш қувватига эга. Республикамизнинг оғир ва енгил, самолётсозлик, шишасозлик, электротехника, озиқ-овқат саноати тармоқлари учун зарур бўлган сода маҳсулоти эндиликда айнан мана шу корхонада тайёрланади.

Барпо қилинаётган заводнинг ўзини, унинг ёнида қад ростлаган кўркам шаҳарчани мўъжизага менгзаш мумкин. Бундай ўзгаришларни кўриб меҳнаткаш халқимизнинг бунёдкорлигига яна бир карра иймон келтирасан киши. Ахир бу жойлар қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куяди, деб таърифланмасмиди?

Мозийдан маълум, аждодларимиз қаерга қадам босмасин ғишт қуйган, дарахт ўтқазган, чўлни боғу бўстонга айлантирган. Мустақиллик шарофати ила асрлар бўйи ҳувиллаб ётган Устюртдек тақир чўл ҳам бугун катта қурилиш майдонига айланди. Айни кунларда бу ерда кечаю кундуз қудратли техникаларнинг шовқини тинмайди. «Қорақалпоқресдеҳқонқурилиш», «Қорақалпоқсаноатфуқароқурилиш» ҳиссадорлик жамиятлари бунёдкорлари «Қорақалпоқавтойўл», «Қорақалпоқэлектртармоқ» бирлашмалари қурувчилари самарали меҳнат қилмоқдалар.

55 метр баландликда тикланаётган тайёр маҳсулот сақланадиган механизациялашган омбор қурилишининг ишбошиси Кўнглимжой Алиев билан суҳбатлашганимизда, у барча зарурий буюмлар, айниқса, хорижий давлатлардан олиб келинадиган металл ҳамда металл-конструкциялар қурилиш дирекцияси томонидан ўз вақтида етказиб берилаётгани боис ишда узилиш бўлмаётганлигини алоҳида таъкидлаб, Умар Реймбоев, Жениш Болтабоев, Мақсет Каниёзов сингари қурувчилар фидойилик билан меҳнат қилаётганлигини мамнуният билан тилга олди.

Ҳа, азизлар, ҳозир юртимизнинг қай гўшасига борманг улкан бунёдкорлик ишларига гувоҳ бўласиз. Уларнинг барчаси ягона мақсад — халқимизнинг нурли эртаси, фаровон турмуши, Ўзбекистоннинг буюк келажаги учун қилинаётганини кўриб, қалбингизда фахр-ифтихор туйғулари жўш уради.

**Материалларни «Халқ сўзи» мухбири Озод РАЖАБОВ тайёрлади.**

### ФАКТ ВА РАҚАМЛАР

- *Республикада 140 та ўрта ва йирик саноат корхоналари мавжуд бўлиб, шундан 28 таси давлат, 18 таси хусусий, 49 таси жамоа, 43 таси ҳиссадорлик ва 11 таси қўшма корхоналардир.*
- *Мустақиллик йилларида Ўзбекистон гази республиканинг энг шимолий тумани — Тўхтакўпирга ҳам етиб борди. Туманда йирик сув чучуклаш иншооти ишга туширилди.*
- *1993 йилда Нукус шаҳрида «Катекс», 1994 йилда Элликқалъа туманида «Элтекс» тўқимачилик комплекслари фойдаланишга топширилди.*
- *Ўтган йили ташқи савдо айланиши қарийб 171 миллион АҚШ долларидан иборат бўлди. Унинг асосий қисмини экспорт маҳсулотлари ташкил этади.*
- *1994 йилда Нукусда ишга туширилган кабель заводида йилига 6451 километрлик турли ўтказгичлар тайёрланмоқда.*
- *Мустақиллигимизнинг 8 йиллиги арафасида Бўстон шаҳрида замонавий мусиқа мактаби ҳамда 800 ўринга мўлжалланган маданият саройининг очилишига бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.*

# SIEMENS

"Сименс" ҳиссадорлик жамиятининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Ўзбекистон халқини улуғ ва қувончли байрам — мамлакат Мустақиллигининг саккиз йиллиги билан муборакбод этади.

Тарихан қисқа муддат ичида тинчликсевар мустақил давлат — Ўзбекистон Республикасининг меҳнатсевар халқи ижтимоий-иқтисодийислоҳотларнинг катта йўлини, бозор муносабатлари асосидаги янги ҳаёт қуриш йўлини босиб ўтди.

Биз Ўзбекистон билан телекоммуникация, телевидение ва радио, транспорт, ҳисоблаш тизимлари, саноат инфратизимлари ҳамда соғлиқни сақлаш каби тармоқларни замонавийлаштириш борасидаги ҳамкорлигимиздан мамнунмиз.

Ўзбекистон Республикасининг барча аҳолисига бахт-саодат, мустаҳкам соғлиқ, қувонч ва муваффақиятлар, янги ҳаёт қурилишида катта зафарлар тилаймиз!

Siemens AG
*Ўзбекистондаги ваколатхонаси.*

Ф/2031



## БРИТИШ АМЕРИКАН ТОБАККО ЎЗБЕКИСТОН

*номидан Сизни мамлакат Мустақиллигининг 8 йиллиги билан табриклашга рухсат этгайсиз.*

BRITISH AMERICAN TOBACCO
UZBEKISTAN

*Ўзбекистон иқтисоди дадил одимлар билан ривожланмоқда, биз эса унинг қувватини янада оширишда ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан беҳад хурсандмиз. Ўзбекистондаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорлик туфайли биз инвестициялаш дастурини давом эттирмоқдамиз, ишлаб чиқаришни жадаллаштирмоқдамиз, экспорт имкониятларимизни кенгайтирмоқдамиз.*

*Ўзаро манфаатли мақсадларга эришиш учун мана беш йилдирки, Бритиш Американ Тобакко Ўзбекистон мамлакат бозорида ҳукумат билан яқин ҳамкорликда ишлашга интилмоқда. Бизларнинг биргаликдаги муваффақиятларимиз мустақил Ўзбекистоннинг иқтисодини ривожлантиришда ва олий мақсад — келажаги буюк давлатни қуришга эришиш учун ишламоқда.*

*Бу байрам кунлари Бритиш Американ Тобакко Ўзбекистон Сизларга ва яқинларингизга бахт-саодат, соғлиқ ва фаровонлик тилайди.*

Ф/2050



## "Ташкочавто"

*қўшма корхонаси жамоаси мустақил Ўзбекистон аҳолисини истиқлолнинг 8 йиллиги билан табриклайди. Республика халқига бахт-саодат, саломатлик, фаровон турмуш, барқарор тинчлик ва осойишталик тилайди. Биз Ўзбекистоннинг буюк келажагига, эртанги порлоқ кунига ишонамиз!*




2052



## "АСАКА" БАНКИ

Ўзбекистоннинг барча аҳолиси ва меҳмонларини

**Ватанимизнинг Мустақиллик куни**

билан чин кўнгилдан табриклайди!
Барчага тинчлик, омонлик ва бахт тилайди!

ASAKA BANK

**Тошкент ш., Нукус кўч., 67.**
**Тел.: - 1208111, 1208112.**
**Факс: - 540659.**

Ц@2087


Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Адабиёт жамғармаси уюшма раиси ўринбосари
**Эркин ХОЛМИРЗАЕВнинг**
бевақт вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва дўст-биродарларига чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети ректорати ва жамоаси жаҳон адабиёти кафедрасининг мудири, филология фанлари доктори, профессор
**Шавкат ХОЛМАТОВнинг**
бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оиласига чуқур таъзия билдиради.

«Пойафзал ва спорт моллари» республика акционерлик бирлашмаси жамоаси раис муовини Муҳаммад Амин Тожибоевга синглиси
**Малоҳат ТОЖИБОЕВАнинг**
вафоти муносабати билан таъзия билдиради.


«ХАЛҚ СЎЗИ» «НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

**Бош муҳаррир: Аббосхон УСМОНОВ**

Таҳрир ҳайъати: М. Егоров (масъул котиб — «Народное слово»), А. Жабборов, С. Зинин, М. Миралимов, С. Муҳиддинов (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»), Л. Пак, М. Сафаров, Р. Фарҳодий, И.Худоёров, И. Шоғуломов, Ў. Ҳошимов.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Хатлар бўлими 136-29-89; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00001
Буюртма Г — 0640, 23709 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2
Газета IBM компьютерида терилди ва операторлар Сергей ЛУКИН ва Жамшид ТОҒАЕВ томонидан саҳифаланди.
Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Мадатов.
Навбатчи — Ф. Санаев.
Мусаҳҳиҳ — А. Эшқулов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.
Босишга топшириш вақти—21.00 *Босишга топширилди: 22.10* 1 2 3 4 5 6